VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 23
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947 | ASI Factor = 1.7

ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИНИНГ ОЧИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-69-74

Бегматов Абдуллажон Сирожиддинович
ф.ф.д., профессор
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқининг этник тарихи, “ўзбек” атамаси келиб чиқишининг Олтин Ўрда билан боғлиқ масалалари ёритилади.

Калит сўзлар: *этнос, этноним, этногенез, ўзбеклар, Олтин Ўрда.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы этнической истории узбеков, связь этнонима “узбеки” с Золотой Ордой.

Ключевые слова: *этнос, этноним, этногенез, узбеки, Золотая Орда.*

ABSTRACT

The article deals with the issues of the ethnic history of the Uzbek people, the origin of the term “Uzbek” and the Golden Horde.

Keywords: *ethnos, ethnonym, ethnogenesis, Uzbeks, Golden Horde.*

КИРИШ

Мустақиллик йилларида халқимиз тарихини, жумладан, миллат этногенезини, “ўзбек” атамасининг этимологиясини ҳам холис ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу масалада академик А.Асқаров, профессор К.Шониёзов сингари олимларимиз кўзга кўринарли ишларни амалга оширдилар. Проф. К. Шониёзов тайёрлаган ва чоп эттирган “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” (Тошкент, 2001), А.Асқаров томонидан нашр эттирилган “Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари”га бағишланган монография, қўлланма ва мақолалар, проф. А. Хўжаевнинг “Ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда хитой манбаларининг аҳамияти” ҳақидаги тадқиқотлари халқимиз этногенези ва этник тарихини ёритишда муҳим қадамлар бўлди.

Халқимиз тарихининг каттагина қисми ҳозир “Ўзбекистон” деб аталаётган ватанимиз ҳудудидан анча узоқларда юз берган. Бундай ҳолни тилимизнинг ҳозирги ўзбекистон ҳудудидан анча олисларда ҳам тарқаалгани мисолида кўришимиз мумкин.

VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 23
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947 | ASI Factor = 1.7

Фойдаланилган методлар: бирламчи манбалар таҳлили, кўпфакторли таҳлил, тарихий-қиёсий таҳлил.

Русча: анализ первичных источников, многофакторный анализ, сравнительно-исторический метод.

Инглизча: analysis of primary sources, multivariate analysis, comparative historical method.

НАТИЖАЛАР

Бирламчи ёзма манбалар, жумладан, рус солномаларини таҳлил қилиш асосида “ўзбек” этноними дастлаб Олтин Ўрда ҳудудида пайдо бўлгани, Ўзбекхон ўзбек этносига мансублиги аниқланди.

МУНОЗАРА

Ўзбек тилининг ўзбеклар яшайдиган ҳудудлардан ташқарига тарқалиши бу тил ҳали “ўзбек тили” номига эга бўлмасдан аввалроқ юз берган эди. Масалан, Ҳирот ҳозирги ватанимиз ҳудудидан минглаб чақирим йироқда. Ҳусайн Байқаро подшоҳлиги даврида Ҳиротда давлат тили ҳозир эски ўзбек тили, деб аталаётган чиғатой тили бўлган эди. Ўзбек тилимиз фақат Ҳиротда эмас, балки бошқа узоқ ва улкан ҳудудларда ҳам адабий тил ва расмий тил бўлганидан оддий фуқароларимиз эмас, зиёлиларимиз ҳам ҳозирча бехабар қолмоқда.

Амир Темур ва унинг авлодлари амалга оширган ҳарбий юришлар давомида ўзбек тили бир қатор мамлакатлар ҳудудида тарқалди ва уларнинг катта қисмида у расмий тилга ва давлат тилига айланди. Масалан, 1395 йилдаги юриш даврида Амир Темур Сибирдаги Туро шаҳрини ҳам эгаллаган эди. Кейинчалик бу шаҳар Сибирдаги ўзбек хонликларининг бирида давлат пойтахтига айланди. Табиийки, бу ўзбеклар давлатида расмий тил ўзбек тили бўлган. Бу давлат ўзбеклар давлати бўлганини баъзи рус тарихчилари, масалан, А.Небольсин ҳам эътироф этади.Таассуф билан қайд этиш лозимки, бу хонлик тўғрисида ўзбек тарихчилари томонидан на ўтмишда ва на XX-XX1 асрлар давомида йирик тадқиқотлар ўтказиш уёқда турсин, кичикроқ асарлар ҳам ёзилмади.

Ўзбеклар ва ўзбек тилининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам тарқалганини ўзбек олимлари томонидан ўрганилмаслиги, бир қатор ўзбек шоирларининг асарлари тили ўзбек тили бўлмаганлиги ҳақидаги даъволар пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмалр”ини

ўзбеклардан бошқа баъзи туркий халқ вакиллари ҳам ўзларининг миллий тилида ёзилган асар, деб эълон қилишга уринишмоқда. Бундай уринишлардан кўзланган мақсадни тушунса бўлади. XII асрда ёзилган бу ноёб асарни ким ўзининг миллий адабиёти асарлари рўйхатида кўришни истамайди дейсиз.

Бу асар қайси халқ тилида ёзилгани ва қайси миллий адабиётига оидлиги тўғрисидаги холис фикрни бошқа, туркий бўлмаган халқларнинг йирик ва таниқли туркшунослари билдирган фикрларга таяниб аниқлаш мумкин. Ана шундай туркшуносларнинг энг таниқлилари Радлов, Малов, ва Н.А.Баскаковлардир. Н.А.Баскаков “Девони ҳикмат” тўғрисида шундай фикр билдирган эди: “Қарлуқ-хоразм тиллар гуруҳини хронологик жиҳатдан кейинроқ ташкил топган адабий ва халқ тиллари ташкил қилади. Улар орасида энг қадимийси X11 асрга оид бўлган ва ўзида ўғиз ва қипчоқ тил хусусиятларини акс эттирган Хўжа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмати”дир.” Хўжа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмати” ва унинг издош шогирди хоразмлик Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким Ота) асарларининг тили ҳам ўғиз-қипчоқ лаҳжалари ва қорахоний адабий тилида яратилган асарларини шартли равишда ўрта асрлар қорахоний-хоразмий тили дейиш мумкин. Маълумки, бу тил кейинроқ мўғул юришларидан кейин, худди шу тил гуруҳига мансуб бўлган хронологик жиҳатдан кейингироқ икки тил, бир томондан Жўчи улусининг шарқий қисми, (энг йирик намунаси бўлган Хоразмийнинг Мухаббатномаси бўлган) Хоразм тилига, иккинчи томондан Чиғатой улуси тилининг асосидаги эски ўзбек тилига тегишлидир.”[1]

XIX асрда Олтин Ўрданинг расмий тили ва тарихини ўрганишда Россия тарихшунослигида кўзга кўринарли ишлар қилинди. Бу даврда Олтин Ўрданинг расмий тили ва тарихини ўрганишда муҳим бўлган манбашунослик анча тараққий топди. XIX асрда Олтин Ўрда тарихини ўрганиш бўйича Россия тарихшунослигида кўзга кўринарли ишлар қилинганини эътироф этиш билан бирга ўша топилмаларни таҳлил ва талқин қилишда йўл қўйилган бир томонламаликлар ҳам мавжуд экаанини қайд этиш зарур. Жумладан, бу топилмалар тили ҳақида гапирилар экан, кўпинча улар умумтурк тилида ёки татар тилида ёзилгани қайд этилади. Тарихда умумтурк тили бўлгани бор гап. Лекин бу тил Олтин Ўрда ташкил топишидан бирнеча асрлар аввал, унинг таркибидан турли туркий тиллар ажралиб улгурмаган даврда мавжуд бўлган.

[1] Баскаков Н.А. К классификации тюркских языков. Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. - Т. XI. Вып. 2. - М., 1952. - С. 121-134

VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 23
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947 | ASI Factor = 1.7

Олтин Ўрда ташкил топган XIII асрнинг ўрталари ва ундан кейинги даврда мустақил туркий тиллар мавжуд эди.

Жўчи улусининг вужудга келиши Шарқий Европа ва Сибирь ҳудудида истиқомат қилаётган халқларнинг этносиёсий тараққиётида муҳим босқични ташкил этди. Шунинг учун ҳам санаб ўтилган ҳудудларнинг олимлари Жўчи улуси ва кейинроқ Олтин Ўрда деб аталган давлатнинг тарихини ўрганишга катта қизиқиш билан қараганлар ва ҳозир ҳам бу қизиқиш камайгани йўқ. Лекин бундан Ўзбекистон олимлари мустасно. Кейинги бир ярим аср давомида ўзбек олимлари томонидан яратилган Олтин Ўрда тарихи бўйича йирикроқ ва кўзга кўринарли тадқиқотларни учратмаймиз. Бундай ҳолни алоҳида ажратиб кўрсатаётганимизнинг сабаби Жўчи улуси ўзбек халқининг этносиёсий тараққиётига,ўзбек тили ва ўзбек миллий давлатчилиги тадрижига жиддий таъсир ўтказганида.

Ўзбек халқининг этносиёсий тараққиётига, ўзбек миллий давлатчилиги тадрижига Жўчи улусининг ўтказган таъсирини таҳлил қилиш учун бир қатор фанлар, жумладан, тарих, археология, адабиётшунослик, лингвистика сингари фанлар бўйича жиддий тадқиқотлар ўтказиш керак бўлади. Рус, татар ва европа олимлари шу фанларга асосланиб Олтин Ўрда тарихини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилишди. Лекин улар Олтин Ўрда тарихини ўз давлатлари, ўз этнослари манфаати нуқтаи назаридан ўргандилар. Ўзбек олимлари эса Олтин Ўрда тарихини ўрганиш бўйича сезиларли ишларни бошлаганлари ҳам йўқ. Шунинг оқибатида, “Олтин Ўрдада ҳеч қачон ҳеч қандай ўзбеклар бўлмаган”, қабилидаги қарашлар фанда тарқалиб кетди. Бизнинг тадқиқотларимиз эса Олтин Ўрда ўзбек халқи тарихида муҳим босқич бўлгани, ўзбеклар Олтин Ўрдада юқори мавқени эгаллаганлари, қолаверса, “ўзбек” этноними ҳам дастлаб Олтин Ўрдада пайдо бўлганини кўрсатмоқда.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши тўғрисида олимлар турли-туман фикрлар билдирганлар. Жумладан Аристовнинг ёзишича, “Ўзбекхонгача тарихда ўзбек атамаси учрамайди. Шунинг учун бу атама мазкур ҳукмдорнинг номидан олинган дейиш тўғри бўлади”[2] А.Ю.Якубовский эса Ўзбек атамасининг келиб чиқишини “ўзбеклар” сўзи билан боғлаб изоҳлайди.[3] У ҳам Н.Аристовнинг фикрига қўшилади. Тарихчи П.П.Иванов ҳам бу сўзнинг келиб чиқиши тўғрисида худди шундай фикр билдиради. А.А.Семёновнинг ёзишича, бу атама давстлаб Оқ Ўрдада вужудга келган ва XIV-XV асрда яшаган эронлик ва Ўрта

[2] Н.А.Аристов Заметки... стр 147
[3] А.Ю.Якубовский к вопросу об этногенезе узбекского народа. Т.1940, стр. 3

VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 23
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947 | ASI Factor = 1.7

Осиёлик тарихчилар томонидан Оқ Ўрдада яшаган барча турк-мўғул қабилаларига нисбатан қўлланган.[4] Бу даврда Ўзбекхон Кўк Ўрда, яъни Олтин Ўрданинг хони бўлган ва ўзбеклар, деб аталган элатлар унинг тасарруфида бўлмаган. Машҳур тарихчимиз Б.Аҳмедов А.Семёновнинг бу фикрига қўшилишини билдиради.

“Ўзбек” этнониминнинг келиб чиқиши Ўзбекхон номи билан боғлиқ экани ҳақидаги фикрни номлари юқорида зикр этилган олимлардан 500 йилдан кўпроқ вақт аввал Мирзо Улуғбек билдирган эди. У ўзининг “Тўрт улус тарихи” китобида бу атаманинг келиб чиқиши Ўзбекхон номига нисбат берилишини баён қилган[5] эди.

Рус солномаларининг мавзуга алоқаси масаласига келсак, бизнингча, “ўзбек” атамаси дастлаб ҳозирги Россиянинг Ўрта асрларга оид солномаларида учрайди. Рус солномаларидаги “ўзбек” атамасига доир маълумотларни келтиришдан аввал шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек уруғларининг кўпчилиги ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан яшаб келганинини Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк”, Табарийнинг “Тарих”, Наршаҳийнинг “Бухоро тарихи”, Берунийнинг “Осорул боқия” (Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар) китоблари ҳамда араб сайёҳлари ва тарихчилари ибн Арабшоҳ, ибн Баттута, Ёқут Ҳамавий сингариларнинг бундан юзлаб ва минг йиллар аввал ёзган асарларидан билиб олишимиз мумкин. Шу билан бирга кейинчалик ўзбек халқи таркибига кирган бир қатор уруғ ва қабилалар Россия ҳудудидаги Булғория давлатида ва Дашти Қипчоқда истиқомат қилганлар.

“Ўзбек” атамаси халққа нисбатан, яъни этноним сифатида қўлланиши дастлаб Россия ҳудудида юз берган,деб хулоса чиқаришимизга сабаблардан бири рус солномаларида ўзбеклар ҳақида келтирилган қуйидаги матн билан боғлиқ.

На стуле золоте,
На рытом бархате,
На червчатой камке,
Сидит царь Азвяк,
АзвякТаврулович,
Шурьев царь дарил,
АзвякиТавруловича,
Городами стольными:

[4] А.А.Семёнов. К вопросу о происхождении узбекского народа Т.1940... стр 4
[5] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент. “Чўлпон” нашриёти, 1994 йил. 138-бет

Василья на Плесу,
Гордея в Вологду,
Ахрамея в Кострому. [6]

Бу парча Кострома солномасида келтирилган рус халқ қўшиғидан олинган бўлиб ундаги “азвяк” сўзи “ўзбек” сўзининг бироз бузилган шакли. Бу ўринда “бироз” сўзини ишлатишимизнинг сабаби шундаки, Ўзбекистонда ҳам XX аср ўрталаригача баъзи кекса ёшли маҳаллий аҳоли вакиллари “ўзбек” сўзини “ўзвак” тарзида талаффуз қилишарди. Рус тилида “ў” товушининг йўқлигини ҳисобга олсак, унинг “а”га айланишини табиий ҳол деб ҳисоблаш мумкин ва шундай қилиб “ўзбек” сўзининг рус тилидаги “азвяк” варианти вужудга келган..

Рус халқ қўшиғи матнидан кўринадики, ўзбеклар ўша даврда Плесда, Вологдада, Костромада яшаган. Демак, бу халқ Россия ҳудудида анча кенг тарқалган бўлган. Рус халқ қўшиғида Ўзбекхоннинг Азвяк Таврулович, деб тилга олиниши, ўша даврда руслар Ўзбекхоннинг аждодларини ҳам яхши билганидан дарак беради. Ўзбекхоннинг отаси Мангу Темурнинг ўғли Тўғрул эди. Қўшиқда унинг номи бироз ўзгартирилиб Таврул шаклида келтирилган. Шундай қилиб биз “Ўзбек” атамасининг халққа нисбатан қўлланиши XIII асрга тўғри келади, деган хулосага келдик. Бундай хулосага юқорида келтирилган рус халқ қўшиғи асос бўлди. Бу қўшиқда 1315 йилга алоқадор воеалар тўғрисида сўз юритилса ҳам, ўзбеклар айнан ўша йили Кострома атрофига келиб қолган дейиш учун асос йўқ. Бундан ташқари, ўша даврда Олтин Ўрда хони бўлган Ўзбекхон 1283 йилда туғилгани ва унга халқ номи исм қилиб қўйилганини ҳисобга олсак, ўзбеклар Россия ҳудудларида XIII бошларидан, эҳтимол ундан ҳам аввалроқ яшаган, дейиш учун асос пайдо бўлади.

REFERENCES

1. Баскаков Н.А. К классификации тюркских языков. Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. - Т. XI. Вып. 2. - М., 1952. - С. 121-134
2. Н.А.Аристов Заметки... стр 147
3. А.Ю.Якубовский к вопросу об этногенезе узбекского народа. Т.1940, стр. 3
4. А.А.Семёнов. К вопросу о происхождении узбекского народа Т.1940... стр 4
5. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент. “Чўлпон” нашриёти, 1994 йил. 138-бет
6. www.kospenaty.narod.ru/zemli_kostroma_rusprestol-p1.htm

[6] www.kospenaty.narod.ru/zemli_kostroma_rusprestol-p1.htm